**ФИРИБГАРЛИКНИНГ ИНТИХОСИ...**

**Яна бир йўли бор... у ҳам бўлса мен айтган шартга рози бўлсангиз эртанинг ўзидаёқ ўша пулларни қўлингизга тутқазаман...** 10

**ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ**

**500 млн. сўмга яқин бўлган турли видео ва аудио асарлар мусодара қилинди ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.** 12

# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 30-iyul, №31 (656)




*Ҳазрати Имом мажмуаси*

**Алавитдин НИЯЗОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари**

## ФУҚАРОЛАРИМИЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАНИМОҚДА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий соҳада эришилган энг муҳим натижа нимадан иборат, деган савол берилгудек бўлса, ҳеч истисносиз, фуқароларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тобора кўпроқ таниб бораётганлигида, ҳар хил ноқонуний тазйиқлардан ўзларини ҳимоя қилиш салоҳиятининг ортаётганлигида деб жавоб бериш мумкин.

Ўз асосий вазифаларини қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат деб билган вилоятимиз прокуратура органлари ҳам бу борада кўзга кўринарли ишларни амалга оширмоқдалар. Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида бажарилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, бу даврда ўтказилган 225 та текшириш натижаларига кўра, 745 та протест, 631 та тақдимнома киритилди. 1156 нафар шахс интизомий, 1462 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 944,7 млн. сўмлик моддий зарар ихтиёрий ундирилган бўлса, фуқаролик судларига 387 млн. сўмлик зарарни ундириш юзасидан 932 та даъво аризалари киритилди. Кескин қонунбузилишлари юзасидан 146 та жиноят ишлари қўзғатилди. 142 нафар фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Хусусан, "Қумқўрғон" махсус механизациялашган кўчма жамланма билан "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси ўртасида пудрат шартномаси тузилиб, 33,9 млн. сўм бюджет маблағи ММКЖ ҳисоб рақамига ўтказилган.

**(Давоми 4-бетда).**

## Ёшларга имконият

Истиқлол йилларида ҳукуматимиз томонидан ёшларни иш билан таъминлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида бир қанча ижобий натижаларга эришилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори, ҳукумат комиссиясининг (Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги ва Вояга етмаганлар ишлари бўйича) қарорлари ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ пойтахтимиздаги "Бобур" номидаги маданият ва истироҳат боғида шаҳримиздаги академик лицей ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг 2008-2009 йил битирувчилари ҳамда ишга жойлашишни хоҳлаган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ташкиллаштирилди.

Ярмаркада шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 225 та корхона ва ташкилотлар жами 21 минг 243 та бўш иш ўринлари билан қатнашмоқдалар. Ушбу ярмаркада шифокор ва ҳамширалар, муҳандис, тикувчи-бичувчи, ўқитувчи, қурувчи, иқтисодчи-ҳисобчи ва бошқа турли мутахассисликлар бўйича бўш иш ўринлари тавсия қилинмоқда.

Ўтказилаётган бу каби тадбирларнинг барчаси эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларимиз ҳаётларида катта ижобий ўзгаришларга омил бўлади.

**Олим РАИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

## ТАНЛОВ — БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мустақиллигимизнинг ўтган йилларида прокуратура органлари қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштиришдан иборат масъулиятли вазифаларни амалга оширмоқдалар. Давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида улкан натижаларга эришдик.

Жонкуяр прокурорларни рағбатлантириш мақсадида Республика Бош прокурори томонидан "Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб-қувватлаш тартибини белгилаш ҳақида"ги буйруғи қабул қилинди ҳамда ушбу буйруқ билан "Йилнинг энг яхши терговчиси" ва "Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси", кейинчалик эса "Йилнинг энг яхши прокурори" танловларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида "Йилнинг энг яхши прокурори", "Йилнинг энг яхши терговчиси" ва "Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси" танловларининг жойларда дастлабки босқичи ва Бош прокуратурада якуний босқичлари ўтказилди. Жумладан, Республика Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида 2008 йил якунлари бўйича танловларни ўтказиш юзасидан комиссия тузилиб, комиссия томонидан жойлардан тавсия этилган номзодлар ўрганилиб, кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, улар билан суҳбатлар ўтказилди.

Танловга номзодлар хизмат бурчига садоқатли, юклатилган вазифаларни виждонан адо этаётган ходимлар орасидан танланди. Жумладан:

— Тошкент шаҳар Миробод туман прокурори **Исламджан Джасурович Эргашходжаев** "Йилнинг энг яхши прокурори" танлови ғолиби деб топилди.

— Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси **Сайдулло Файзуллаевич Элмуродов** "Йилнинг энг яхши терговчиси" танлови ғолиби бўлди.

— Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани прокурори ўринбосари **Султанбай Бердикиличев** "Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси" танлови ғолиби деб топилди.

— Шунингдек, ўтказилган танловларда юқори ижобий иш кўрсаткичларига эришган ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш ва қонунийликни таъминлашда фаол иштирок этаётган **А.Турсунов, А.Мирзаев, Ш.Ботиров, Д.Сайидқулов, Р.Абдуғаниев, У.Анваров**лар танлов совриндорлари бўлдилар.

**Лазиз САМАДОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма прокурори**

## НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўртачирчиқ тумани "Дўстлик" маҳалласи аҳолисининг туманда газ, электр-энергияси таъминоти ва йўл носозликлари тўғрисидаги аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:**

""Дўстлик" маҳалласи Ўртасарой газ тақсимлаш шохобчасидан табиий газ билан таъминланади. Текшириш давомида хонадонлар кўздан кечирилганда газ босими меъёр даражасида эканлиги аниқланди.

...Электр энергияси таъминоти бўйича "Дўстлик" маҳалласи аҳолисининг сони 420 хонадондан иборат бўлиб, электр энергия таъминоти 35/10 кВ НС "Қорасув"дан чиққан фидер "Роваток"даги ТП-114 қуввати 100 кВА, ТП-116 қуввати 63кВА орқали таъминланади, "Дўстлик" маҳалласидаги юқори кучланиш тармоқлари остидаги дарахтлар ўсиб кетиб, шамол вақтида узилиши ва қисқа туташувларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, "Дўстлик" маҳалласини электр энергия билан таъминловчи ускуналар кўздан кечирилди ва қуйидаги ишлар бажарилди: ўсиб кетган дарахтлар кесилди, осилган симлар тортилди, ТП-114, ТП-116 лаборатория кўригидан ўтказилди ва контактлар тортилди.

Тумандаги ички йўлларни таъмирлаш бўйича туман ҳокимлигига тегишли кўрсатмалар берилди ва назоратга олинди."

**С.ИЛЬХАМОВ,**
**Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари**

*Мурожаатлар эътиборда*

## Ариза «аноним» деб топилди...

**"Денов тумани Ш.Қобилов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, "Ўртақишлоқ" маҳалласида яшовчи фуқаролар У.Ражабова ва бошқаларнинг маҳаллада электр энергияси ва табиий газ таъминоти қониқарсиз эканлиги ҳақида туман газ таъминот корхонаси ҳамда туман ҳокимлигига қилинган мурожаатлари эътиборсиз қолиб кетаётганлиги хусусида таҳририятга ёзган аризаси Денов туман прокуратураси томонидан ўрганилди.**

Ариза муаллифлари билан ўтказилган суҳбатда О.Ибрагимова, Х.Раҳимова, У.Сувонқулова ва З.Бекмуродовалар тушунтириш бериб, ёзилган аризадан хабарсиз эканликлари, ундаги имзолар уларга тегишли эмаслигини билдиришган.

У.Ражабова исмли шахс эса ушбу маҳаллада яшамаслиги аниқланган.

Баён этилганларга асосан ариза қонунга мувофиқ аноним деб топилиб, оқибатсиз қолдирилган.

**А.НИЯЗОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари**

# ЎҚИШ ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМА

**Туман ҳокимлиги прокуратура киритган таклифга мувофиқ бешта касб-ҳунар коллежларида битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари билан учрашув ва суҳбатларни ташкил қилди. Навбатдаги тадбир Агросаноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Унга ташриф буюрганлар фойеда тумандаги корхоналар, тадбиркорларнинг кўргазмага қўйган маҳсулотлари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш турлари, иш шароитлари, турли касб-кор эгаларига эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумотлар билан танишдилар. Битирувчиларнинг муайян қисми ота-оналари билан маслаҳатлашиб, шу ернинг ўзида ўзларига мақбул, ихтисосларига мос касб-кор бўйича ишга кириш истагини билдирдилар ва ишга йўлланмалар олдилар.**

Мажлислар залидаги суҳбат аввалида туман ҳокими Муҳаммадали Мусаев давлат корхоналари ва хусусий фирмаларнинг билимдон ёш кадрларга муҳтожлиги, битирувчиларга коллежда олган билимлари, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ мобайнида орттирган кўникмаларига таяниб иш бошлашлари учун барча имкониятлар ҳавола этилишини айтиб ўтди. Туман электр тармоқлари, газлаштириш, Йўл қурилиш-таъмирлаш ва фойдаланиш корхоналари, "Исмоилжон гиламлари" фирмаси, "Луффа агро файз" деҳқон хўжалиги, ММТП давлат акциядорлик жамияти, "Сармозор сервис ММТПси, фермер хўжаликлари, бошқа хусусий ва давлат корхоналарининг раҳбар ҳамда вакиллари ўзларидаги хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш шарт-шароитлари хусусида батафсил маълумотлар бериб, битирувчиларни бевосита ишхоналарида ёки касаначилик асосида меҳнат шартномалари тузиб иш бошлашга таклиф қилишди.

Коллежни аъло баҳоларга битирган йигит-қизларга ва уларнинг ота-оналарига туман ҳокимлиги ҳамда прокуратурасининг эсдалик совғалари топширилди.

Битирувчиларнинг хоҳиш-иродаларига мувофиқ тарзда коллеж маъмурияти йигит-қизлар ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган мулкчилик шакли турлича корхоналар маъмуриятлари билан келишиб, ишга йўлланмаларни берди. Шунингдек, коллежларда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида ҳам битирувчилар ишга жойлашиш имкониятидан фойдаланишди. Битирувчиларнинг айримлари, бир-икки ой ишлаб, ишга бормай қўядиган ҳолатлар ҳам учрайди. Шунинг учун коллежларнинг маъмуриятлари бир йил мобайнида битирувчилар меҳнат шартномаси асосида жойлашган корхонада мунтазам ишлаётгани ёки ишламаётгани ҳақидаги маълумотларни сўраб олиб, умумлаштириб боришмоқда. Ушбу агросаноат коллежини ўтган йили ўсимликшунослик, автотранспорт воситаларига техник хизмат, қишлоқ хўжалиги механизацияси, информатика ва коммуникацион технологиялар, тикув ишлаб чиқариши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаларида кичик мутахассисликлар бўйича битириб чиққан 132 нафар талабанинг барчаси муқим ишлашмоқда.

Бу йил 183 нафар йигит-қиз коллеж дипломини олишди. Уларни "Марғилон механика таъмирлаш" МЧЖга, туман йўл қурилиш бўлими, "Солижонобод пахта тайёрлаш корхонаси", "Шукур давлат" хусусий фирмаси, туман электр тармоқлари корхонаси, ММТП ва фермер хўжаликларига доимий ишга жойлаштириш хусусида битимлар тузилган.

Битирувчиларнинг муайян қисми олий ўқув даргоҳлари — институт ва университетларда билим олишни ният қилишган.

— Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида ўқидим, — дейди битирувчи Нурмуҳаммад Содиқов. Марғилон шаҳрилик ўсмирнинг йигирма чақирим жойга қатнаб ўқигани ушбу билим юртининг нуфузидан далолат беради. — Профессионал ҳайдовчи гувоҳномасини ҳам олдим. Тумандаги автотаъмирлаш корхонасида иш бошлаш ниятидаман.

— Коллежнинг бухгалтерия йўналишида ўқиб, ҳисобчи дипломини олдим, — дейди Иттифоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Ғиёсиддин Халилов, — Информатика технологиялари йўналишида институтга ўқишга киришни мўлжаллаб турибман.

Коллежнинг Янгиариқ қишлоғилик битирувчиси Ҳаётхон Абдуллаева эса медицина институтига ҳужжат топширишни кўзлаяпти.

— Бу йил институтга кира олмасам, коллежда эгаллаган ҳунарим бор, тикувчилик соҳасида ишлаб тураман.

Дарвоқе, ушбу тадбирда иштирок этган "Луффо агро файз" фирмаси қизларни ишга таклиф қилмоқда.

— Тикувчилик йўналишида иш бошлаш учун агробанкдан 28 миллион сўм кредит олдик, — дейди фирма раҳбари М. Исмоилова. — Ушбу маблағга қўшимча ўттиз олтита иш ўрнини яратдик.

Туман прокуратураси ташаббуси билан барча коллежларда ўтказилган ана шундай тадбирларда битирувчиларни ишга жойлаштиришдан ташқари Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижрога қаратилмоқда. Ушбу қарор асосида "Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланиб, шу йилнинг 30 май кунидан кучга кирди.

Ўн икки йиллик ўрта таълимга тўкис ўтишга оид қонунчиликни таъминлаш мақсадида 9-синф битирувчиларининг қизиқишлари, хоҳиш-истакларига мос касб-ҳунар йўналишидаги лицей ва коллежларга ўқишга жойлаштиришнинг қоидалари такомиллаштирилди. Мактаб битирувчиларининг ўқишни давом эттиришларига тўсқинлик қиладиган айрим сабабларни бартараф этувчи бир қатор шартлар киритилди. Чунончи, янги Низомга кўра лицей ва касб-ҳунар коллежларига мактаб битирувчилари танлаган йўналишлари бўйича имтиёзларсиз, тўғридан-тўғри, тенг шартларда қабул қилинишади. 9-синф битирувчиларининг ўқишни қайси йўналишда давом эттиришларини аниқлаш мақсадида суҳбатлар ўтказилиб, ҳужжатлари ўзларининг ва ота-оналарининг ёки уларнинг ўрнини босувчи кишиларнинг ихтиёрларига кўра танлаган соҳаларига мос йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари маъмуриятларига топширилади. Мактаб ва коллеж маъмурияти ўртасида 4 нусхада ҳужжатларни топшириш ва қабул қилиш далолатномалари тузилади. Ҳужжатнинг йиғма жилдини битирувчи ёки унинг ота-онасига бериб юбориш таъқиқланади. Битирувчилардан тушган аризаларнинг миқдори лицей ёки коллежга қабул қилиш кўзда тутилган ўқувчиларнинг сонидан ортиб кетган тақдирда, Республика таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига қўшимча ўринлар ажратиш ёки тест-синовлари ўтказиш хусусида таклифлар киритилади. Таклифлар кўриб чиқилиб, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларни қабул қилиш учун қўшимча ўринлар ажратилиши ёки саралаш тест синовлари ўтказилиши мумкин.

Ушбу Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда тумандаги коллежларнинг вакиллари мактабларға бориб ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ташкил қилишди. Танлаган соҳалари бўйича ўқишни давом эттиришлари учун мактабларнинг маъмуриятлари ўқувчиларнинг ҳужжатларини бевосита коллежларнинг вакилларига топширишди. Шу тариқа айрим 9-синф битирувчиларининг ўқишни давом эттирмай, бекор юришлари ёки бозорларда турли йўсинда пул ишлаб топишга берилишларининг олди олинди. Барча ўқувчиларнинг тенг шаритларда тўкис ўрта ва ўрта махсус билим олишлари кафолатланди.

**Ўктамжон АБДУРАСУЛОВ,**
**Охунбобоев туман прокурори.**
**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

---

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнини ҳуқуқий кафолатлаш ҳамда барча жабҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш суд-ҳуқуқ органларининг асосий ва муҳим вазифаси бўлиб келмоқда. Айниқса, прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида олиб бораётган ишлари кўлами янада кенгайди, масъулият талаби ортди.

Фарғона вилоят прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида худди шу масалаларга эътибор қаратилиб, вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг 2009 йил 6 ойи бўйича якунлари муҳокама қилинди ҳамда галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишни вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Ж.Файзиев олиб борди. Кун тартибига қўйилган масала юзасидан вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси М.Қурбоновнинг ахбороти эшитилди. Ахборот юзасидан Фарғона шаҳар прокурори Б.Деҳқонов, Қўқон шаҳар прокурори Қ.Жўраев, Қувасой шаҳар прокурори Н.Тўхлиев, Охунбобоев тумани прокурори Ў.Абдурасулов, Риштон тумани прокурори Б.Мадумаров, Қува тумани прокурори А.Қурбонбоев ва бошқалар ҳисоб беришди.

Вилоят прокурори Ж.Файзиев кўриб чиқилган масалалар юзасидан аниқ кўрсатмалар берди.

Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Шарофутдинов иштирок этди. Йиғилиш якунида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Нурмуҳаммад СУЛАЙМОНОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

---

# ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

**Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик механизмининг шакллантирилганлиги бугунги кунда ишбилармон кишилар доирасининг кенгайишига, иқтисодиётимиз ривожида кичик ва ўрта бизнес вакиллари улушининг ортиб боришига замин яратмоқда.**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуслари асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида сўнгги йилларда тадбиркорликнинг жадал ривожланиши кузатилмоқда.**

Албатта, қулайликлар ва имтиёзлардан фойдаланган тадбиркорларимиз қонунчиликда белгиланган асосларда ўз соҳалари ва йўналишларига мос равишда ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини ва фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Аҳамиятли томони шундаки, бугуннинг ишбилармони ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билади, қонунларга риоя қилиб яшаш ва ишлаш орқали даромад топиш, ободончилик ва тараққиётга хизмат қилиш кераклигини тушунади.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди. Ўз навбатида, прокуратура органлари олдига назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, мамлакатимизда қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида давлатимиз томонидан тадбиркорга ишни йўлга қўйиши ва рақобат бозорида муносиб ўринга эга бўлиши учун имкониятлар берилган бўлса, мансабдор шахслар ва назорат идоралари ходимларининг масъулияти янада оширилди.

Муборак туман прокуратураси ҳам мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан доимий назорат тадбирларини ташкил этиб бормоқда.

Хусусан, бу борада суҳбатлар ўтказиш давомида уларга қонунчиликдаги янгиликлар ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда, ишонч телефонлари орқали узатилган маълумотларнинг қонуний ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, туман архитектура ва қурилиш бошқармасида ўтказилган текширишда 30 дан ортиқ фуқаронинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуришга ер майдони ажратиш ҳақидаги мурожаатлари муддатида кўриб чиқилмаганлиги аниқланиб, бошқарма бошлиғи З.Самадовнинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Тадбиркор Н.Қораевнинг мурожаатини ўрганиш шуни кўрсатдики, у раҳбарлик қилиб келган "Тошмамат бобо" фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамидаги 5 миллион сўмдан ортиқ пуллар "Агробанк" Муборак филиалининг иқтисод бўлими бошлиғи Ж.Гулмуродов томонидан тўлов топшириқномасисиз, ўзбошимчалик билан ўз қариндошининг корхонаси ҳисобига ўтказиб юборилган. Дастлабки тергов якунига кўра, Гулмуродов жиноий жавобгарликка тортилди ва қонунсиз ҳаракат оқибатида фермерга етказилган моддий зарар айбдордан ундирилди, муҳими, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

"Муборак пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамияти ҳисобчиси И.Рўзиев тумандаги "Даминов Мурод бобо" ва "Хитой" фермер хўжаликларининг давлатга пахта ҳомашёси сотиш ҳақидаги контрактация шартномаларини қалбакилаштиргани учун айбланган бўлса, 69 нафар якка тартибдаги тадбиркор томонидан даромад солиғи ва пенсия жамғармасига ажратма сифатида тўланган 10 миллион сўмдан зиёд нақд пулларни ўзлаштиргани учун ДТ Халқ банки Муборак филиали пул муомаласи бўлими бошлиғи Р.Рўзиқулов суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этилди.

Дарвоқе, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, назорат тадбирларида ўзини тадбиркор ҳисоблаб, қинғир йўллар билан бойлик орттириш ниятида юрган кимсалар ҳам фош этилиб, қонуний жазоларга тортилмоқда.

Истардикки, барча фуқаролар ўз ўрнида қонунларга итоат қилиб яшашни ҳаётий мезонга айлантирсин.

**Баҳром ТОШТЕМИРОВ,**
**Муборак туман прокурори**

# ТОШКЕНТ ТАРИХИГА ЧИЗГИЛАР

Энг сўнги археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича 2200 йиллик тарихга эга бўлган Тошкент бу давр ичида оддий бир манзилгоҳдан дунёдаги йирик шаҳарлардан бири, Ўзбекистон Республикасининг пойтахтигача бўлган йўлни босиб ўтди. Тошкентнинг узоқ ўтмиши тўғрисидаги маълумотлар бироз узуқ-юлуқ, чунки шаҳар тинч ҳаётидаги муҳим воқеаларни ва жангу жадалларни, юксалиш ва инқироз даврларини бошдан кечирган, неча бор вайрон бўлиб, неча бор қайта қад ростлаган. Қадимий ўрнидан неча бор силжиб, номи ҳам кўп маротаба ўзгарган. Зардўштийларнинг "Авесто"сида Сирдарё ҳавзасида "Турон" деган мамлакат борлиги, унинг аҳолиси турлар деб юритилиши айтиб ўтилган. Турларнинг диний ва сиёсий қароргоҳи "қанғха" (Қанға) шаҳри бўлганлиги тилга олинади. Милоддан аввалги 3-асрда қадимги Чоч вилоятида ташкил топиб, милоднинг 3-асригача мавжуд бўлиб турган "Қанға" давлати Хитой манбаларида "Кангюй" ёки "Кандзюй" номлари билан тилга олинади. Қадимги тохарлар тилида "қанғ" сўзи тош маъносини беради. Бу давлатнинг пойтахти Битянь шаҳри бўлиб, у Иоша дарёси (Сирдарё) бўйида жойлашган. Битянь шаҳри Давандан (Фарғона водийсидан) 528 километр узоқликда жойлашган. Унинг ҳозирги кунларгача сақланиб қолган харобалари маҳаллий аҳоли ўртасида "Қанқатепа" номи билан машҳур. У Тошкентдан 70 километр жануброқда, Сирдарё яқинида, Оҳангарон дарёсининг қуриб қолган қадимги ўзани бўйида жойлашган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Қанқатепа милоддан аввалги 3 асрдаёқ атрофи мудофаа девори билан ўралган ҳамда аркли улкан шаҳар бўлиб, майдони 160 гектардан иборат бўлган. Қадимги Қанғ давлатининг фуқароси ҳам "қанғар" ёки "қанзар" ёхуд "қанғи", "қаъни" деб юритилган. Ҳозирги пайтда Учтепа туманидаги "катта қаъни" маҳалласининг номи ҳам қандайдир равишда "қанғи"га алоқадордек туюлади. Милоддан аввалги 2 асрдан тортиб милоднинг 5 асрларигача бўлган даврга мансуб Хитой манбаларида Тошкент Чжеше, Чжечжи, Чжеси, Ши деб номланган. Бу атамалар "Чоч" сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлган, деб ўйлашимизга асос беради. Ҳатто "Ши" жой номи, яъни топоними хитой тилида "тош" маъносини англатган. Немис осиёшунос олими Клаус Пандер ўзининг "Марказий Осиё" асарида бироз бошқача фикрлар борлигини ҳам келтириб ўтади. Унинг ёзишича, баъзи манбаларда "шош" (санскрит: олти) маъносини англатгани сабабли "Шошкент" худди Грециядаги Ҳексаполисга ўхшаб, Туркистон, Чимкент, Ўтрор ва бошқалар билан биргаликда "Олти шаҳар" маъносида ҳам ишлатилган бўлиши мумкин.



Аммо худди ўша хатбошининг ўзида олим М.И.Филановичнинг илмий ишига асосланган ҳолда, "тош" сўзи қадимги суғд тилидаги "чоч", яъни "тошлоқ жой" сўзидан келиб чиққанлиги боис "Тошкент" тош шаҳар маъносига яқин келади деган фикрни баён этади. Хўш, унда "шош" атамаси қаердан пайдо бўлган? Маълумки, Тошкент узоқ вақтлар давомида турклар қўл остида бўлган. Эрамизнинг 714 йилида у араблар томонидан истило этилган. Араб алифбосида "ч" ҳарфи бўлмаганлиги сабабли шу пайтгача "Чоч" деб юритилган ҳудуд "Шош" деб юритила бошлаган. Шош, Шошкент, Мадинат аш Шош, Бинкент атамалари шундан кейин пайдо бўлган, дейишга тўлиқ ҳаққимиз бор. Шаҳар "Тошкент" номи билан илк бора II асрнинг таниқли алломалари Абу Райҳон Беруний ҳамда Маҳмуд Қошғарий асарларида тилга олинган. Беруний ўзининг "Ҳиндистон" асарида "Тошкент - тошли қишлоқ демакдир", деб ёзган бўлса, Маҳмуд Қошғарийнинг маълумоти бўйича Тошкент 11-12 асрларда "Таркан" деб ҳам аталган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг "Бобурнома" асарида Тошкентнинг номи масаласида тўхталиб ўтган. "Асарларда Тошкент номини Шош, баъзан Чоч деб ёзадилар". 16-аср охири - 17-асрнинг бошларида Тошкент номи тилга мустаҳкам ўрнашиб, қадимги номлари бўлмиш Шош, Чоч ва Бинкент атамалари аста секин муомаладан чиқиб кетган. 10-12 асрларда шаҳар Қорахонийлар давлати таркибида бўлган бўлса, 1214 йилда Муҳаммад Хоразмшоҳ, Кучлук хон (найманлар хони) билан жанг қилиб, шаҳарни ундан тортиб олди. 1220 йилда шаҳар муғуллар қўлига ўтди. 13-14 асрларда Тошкент Чиғатой улуси таркибида бўлди. 14-15 аср бошларида шаҳар Амир Темур ва темурийлар давлати таркибига киритилиб, 1410 йилда Улуғбекка мулк қилиб берилган. Бу даврда шаҳар воҳа билан кўчманчилар дашти чегарасидаги кучли, мустаҳкам қалъага айлантирилган, ҳудуди кенгайтирилган, ишлаб чиқариш, маданият, савдо-сотиқ ривожланган.

Бироқ темурийлар ўртасида бошланган тахт учун курашлар натижасида Тошкент 1485 йилда Мўғулистон хони Юнусхон ихтиёрига ўтди. Юнусхон Бобурмирзонинг онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг отасидир.

1487 йилда вафот этган Юнусхон муғулнинг қабри ҳозирги кунда Шайх Хованди Тоҳур ансаблининг ёнбошида, ҳозирги Ислом университети ҳовлисида жойлашган. Тошкент тахти муғуллар миллатига мансуб зотга берилган бўлса-да, Хўжа Аҳрор Валининг шарофати билан унинг қизи Қутлуғ Нигор бегим Андижон ҳокими, Амир Темур авлодидан бўлмиш Умаршайх мирзога никоҳлаб берилган ва шу йўл билан келажакда юзага келадиган Буюк Бобурийлар сулоласининг илк намоёндаси Бобур мирзонинг дунёга келишига асос яратилган эди.

1503 йилда Шайбонийхон қўшинлари шаҳарни эгаллайди. Шайбонийхон даврида шаҳар янада ободонлашади, Туркистоннинг ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданий марказларидан бирига айланади. Ўша даврларда бунёд этилган Шайхонтоҳур мақбараси, Кўкалдош (эмишган ука) мадрасаси, Бароқхон мадрасаси бизнинг кунларгача етиб келган. Тошкент 1579 йилда Бухоро хони Абдуллахон II томонидан босиб олинган, аммо 1588 йилда шаҳар аҳолиси Абдуллахоннинг ноиби Ўзбекка қарши исён кўтариб, озодликка эришди. Исёнчилар бир мунча вақт қозоқ султони Жоналини ҳоким қилиб ушлаб турган. Исён бостирилиб, 1597 йилда шаҳарни қозоқ хони Таваккал эгаллайди. Аммо унинг ҳукмронлиги ҳам узоқ давом этмади. Икки йилга яқин вақтдан кейин шаҳар яна Бухоро хонлигига қарам қилинди. Аштархонийлардан бўлган Имомқулихон қозоқларни тор-мор этиб, шаҳарни эгаллайди ва 1611 йилда ўғли Искандарни Тошкентга ноиб этиб тайинлайди. Шаҳар аҳолиси исён кўтариб, Искандарни ўлдиради. Қаттиқ ғазабланган Имомқулихон шаҳар аҳолисини қирғин қилдиради. 18-асрнинг биринчи чорагида Тошкент яна қозоқ хонлари қўлига ўтиб кетади.

Олмониялик олима Жудит Пелтц ўзининг «Ўзбекистонни кашф этиш» деган асарида ёзишича, 1723 йилда Муғулистоннинг ғарбидан келган кўчманчи Жунғорлар қабиласи Тошкентни эгаллади ва 1796 йилгача ҳукм сурди. 1796 йилда жунғорлар босқинидан озод бўлган Тошкент янги пайдо бўлган Тошкент давлатининг пойтахтига айланди. Бундай дейишимизнинг сабаби шундаки, жунғорлардан халос бўлган Тошкент ўзига хос давлатга ҳам айланди. Унинг ўз чегаралари мавжуд эди. Тошкентликлар ўз пулларини ва тангаларини зарб эта бошладилар. Муҳофаза этиш учун махсус армия ташкил этилди. Бу шаҳар - давлат ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсатини юргиза бошлади. Ўша пайтларда Тошкент Бухородан кейин иккинчи катталикдаги давлат эди. 12 квадрат километр майдонда 40000дан кўпроқ аҳоли яшар, ҳунармандчилик, косиблик, темирчилик, қишлоқ хўжалиги яхши тараққий этганди. Тошкент бозорларида Хитой, Бухоро, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистондан келтирилган моллар билан савдо-сотиқ қилинарди. Аммо афсуски, 1814 йилда Тошкент ўзининг давлат мустақиллигини қўлдан бой берди ва Қўқон хонлиги қўл остига ўтиб қолди. Маҳаллий аҳоли бундан ғазабланиб, кўп марталаб исён кўтарди. Айниқса, тўқувчи Юсуф бошчилигидаги 14 кун давом этган қўзғалон тарих саҳифаларига қонли ҳарфлар билан битилган. 1865 йилда Тошкент Россия империяси таркибига киритилди.

Бошқа манбаларда ёзилишича эса, 18-аср ўрталарида Тошкент тўрт қисмга - Шайхонтоҳур, Себзор (Қаффол Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин), Бешёғоч (Зангиота) даҳаларига бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган. Тошкент тарихида бу давр чор (тўрт) ҳокимлик даври деб ҳам аталади. 1784 йилда Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа қолган уч даҳа ҳокимлигини ҳам ўз тасаррруфига олиб, Тошкентда феодал тарқоқликка чек қўйган ва мустақил Тошкент давлатини ташкил этган. Тошкент давлати Ўрта Жуз султонлари, айниқса, Қўқон хонлари тазйиқида бўлсада, қарийб 20 йил мавжуд бўлиб турган. Юнусхўжа ўз давлатининг сиёсий ва иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш учун Россия ҳукумати билан алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилган. 1802 йилнинг кузида вазири аъзам Мулложон Охун бошчилигидаги 7 кишидан иборат Тошкент элчилари Петербургга жўнатилган. Улар рус ҳукумати билан савдо-сотиқ қилиш тўғрисидаги шартномани имзолаш, 500 та аскарлар милтиғини, 1000 пуд мис сотиб олиш, 5 йилга тўп қуювчи рус усталарини ёллаш мақсадила жўнатилганди. Бундан ғазаби жунбушга келган Қўқон хонлиги 1814 йилда шаҳарни қўл остига олган. Шаҳар аҳолиси қаттиқ ғазабланди. Чунки Қўқон хонлигига тобелик шаҳарнинг эркин ривожланишига тўсқинлик қиларди. Доимий урушлар, солиқларнинг муттасил кўпайиб бориши, амалдорларнинг ўзбошимчалиги аҳолининг сабр косасини тўлдириб юборганди. Тўқувчи Юсуф қўзғолонидан ташқари шаҳарликлар 1847 йилда ва 1863 йилларда катта қўзғолонлар кўтарган ва ниҳоят 1865 йилда Тошкент Россия таркибига киритилган. Шаҳар 1867 йилда ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлиги ва Сирдарё области марказига айлантирилган.

**(Мавзу давом эттирилади).**

**Йўлдош ПАРДА**
**тайёрлади**

# БУНЁДКОРЛИК ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

Бугун юртимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғини олмайлик, уларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, янада чирой очаётгани кўзга ташланади. Ваҳоланки, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида нафақат ўзгалар, балки ўзимизникилар орасида ҳам Ўзбекистоннинг келажагига шубҳа билан қарайдиганлар бор эди. Жумладан, энди Россиядан қурилиш материаллари келмайди. Оқибатда бутун Республикамизда қурилиш тўхтаб қолади, деган гапларни кўп эшитганмиз. Бироқ бу борадаги саъй-ҳаракатлар ва бугунги эришилаётган натижалар эса ҳаммага маълум. Қисқа вақт ичида қурилиш индустриясини яратиб, уни тез суръатлар билан юксалтира олдик. Турар-жой бинолари, хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари, маҳалла гузарлари, бахт уйлари, мактаб, коллеж ва академик лицейлар, замон талабларига жавоб берадиган йўллар, кўприклар, қўйингки, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи муҳим иншоотлар барпо этилиб, бирма-бир фойдаланишга топширилмоқда.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг Юртбошимизнинг ташаббуси билан 1999 йилдан бошлаб, ҳар бир йилга ўзига хос ва мос ном бериш анъанага айланди. Бунда теран ҳикмат бор. Зотан бир йил мобайнида аҳолининг муайян қатлами манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилди. Шу анъана давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан 2009 йилнинг юртимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. 2009 йилга шундай ном бериш ҳар томонлама чуқур ҳаётий асосга эга эканлигини таъкидлаб, давлатимиз раҳбари бутун башариятнинг илдизи, томири, авваламбор, қишлоқ заминига бориб тақалиши, она-Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзот учун гўёки қишлоқ тимсолида бошланишини уқтириб ўтди.

Истиқлолнинг дастлабки қадамларидан бошлабоқ мамлакатимизда "Деҳқон бой бўлса, юртда тўкинлик бўлади", деган шиор ўртага ташланди. Юртбошимизнинг қишлоқ аҳолисига томорқа ва уй-жой қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги тарихий Фармони қишлоқнинг қаддини ростлаб олиши учун ҳуқуқий асос яратди. Истиқлол йилларида бунёдкорлик миқёсларининг мисли кўрилмаган даражада кенгайганини қишлоқларимизнинг бугунги жамоли ҳам айтиб турибди. Қишлоқда турмуш тарзини ўзгартириш мақсадида замонавий меъморчиликнинг сўнгги андозалари асосида бунёд этилаётган академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, йўл ва кўприклар, миллий меъморчилик услубидаги бозорларимизни бир кўз олдимизга келтирайлик. Бугун энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди десак, хато қилмаган бўламиз. Қарорнинг аҳамияти шундаки, унда замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳисобига айнан сифатли деворбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш орқали ички бозорларни шундай материаллар билан тўлдириш, уй-жойлар, хусусан, қишлоқларда иморат қураётган аҳолининг ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш мақсадлари назарда тутилган.

Ушбу қарорга кўра, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда махсус печкалардан фойдаланган ҳолда, замонавий, энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар барча турдаги солиқлар, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига ва мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

Қарорда белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялар пишган ғишт ҳамда деворбоп материалларнинг муқобил турлари - йиғма, композицион ва кичик блокли конструкцияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар аҳлини руҳлантириб, уларни янгидан-янги марраларни забт этишга даъват этади. Пировардида деворбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати янада яхшиланади. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод ва кўркам бўлишига, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг бажарилишига хизмат қилади.

Яратилган бундай ташкилий-ҳуқуқий асослар аҳолининг замонавий уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради. Айни пайтда, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва болалар спорт иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси хизмати кўрсатиш каби соҳаларни босқичма-босқич ривожлантиришнинг изчил механизмини яратади. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг амалдаги самарасидир.

**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
**журналист**




## Саҳифамизда Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари



# ФУҚАРОЛАРИМИЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАНИМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бироқ 12,2 млн. сўмлик иш қилинган, қолган 21,7 млн. сўмлик ишлар бажарилди, дея расмийлаштирилиб, қурилиш объекти фойдаланишга топширилган. Вилоят прокуратураси "Қумқўрғон" ММКЖ мансабдор шахслари ва давлат қабул комиссияси аъзоларига нисбатан жиноят иши қўзғади.

Термиз туманининг "Учқизил" почта алоқа тармоғи хабарчиси Ж.Ҳасановнинг ғайриқонуний қилмиши ҳаммасидан ошиб тушади. У 81 ёшида вафот этган Т.Бекнаевни тегишли тартибда давлат рўйхатидан чиқармаган, бу ҳақда ижтимоий таъминот бўлимига хабар етказмаган. Аксинча, тўлов варақаларида марҳумнинг имзосини қалбакилаштирган ҳолда бир йил давомида 1,2 млн. сўм пенсия пули ҳамда коммунал тўлов учун 40 минг сўм бюджет маблағини шахсий манфаати йўлида ўзлаштирган.

Ўзаро ҳисоб-китоб ва тўлов интизомига доир қонунлар ижросидаги якка тартибдаги тадбиркор С. Ризаевга жуда арзон баҳода, яъни 17,7 млн. сўмга сотиб юборилиши натижасида МЧЖ манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган. Бу зарарни ундириш юзасидан чоралар кўрилди.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги қонунлар ижросини таъминлашда асосий эътибор пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, жорий йилги ҳосил учун бошоқли дон экинларини экиш, парваришлаш ва йиғиштириб олиш борасида ўрнатилган прокурор назорати ўз самарасини бериб, режа 103,5 фоизга уддаланди ва давлатга 282 минг тоннадан ортиқ ғалла сотилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, айрим мансабдор шахслар суғориладиган унумдор ерларни фуқароўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда хўжаликнинг 0,15 гектар ерини фуқаро Т.Жўраевга 2 млн. сўмга сотган. Жарқўрғон туманидаги "Ўткир ТК" фермер хўжалиги бошлиғи Т. Тоғаев чигит экилиши лозим бўлган ердан 2,9 гектарини саккиз нафар фуқарога, Бандихон туманидаги "Нуроний" фермер хўжалиги бошлиғи Б.Холтўраев 1,1 гектар ерни уч нафар фуқарога сотишгани аниқланган. Айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш доимий эътиборимизда бўлиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан қонундан четга чиқиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Хусусан, пахта ва ғалла ҳосили етиштириш учун ажратиладиган имтиёзли кредитлар акциядорлик тижорат "Пахтабанк" Бандихон филиали томонидан ўз вақтида берилмаганлиги аниқланиб, вилоят прокуратураси аралашуви билан фермер хўжаликларига минерал ўғит олиш учун 97 млн. сўм ажратилиши таъминланди.

Фермер хўжаликлари учун хизмат қилишга, уларни зарур ўғитлар билан таъминлашга сафарбар этилган Термиз туманлараро "Агрокимётаъминот" базаси мансабдор шахслари "Ҳазрати Абдимўмин Сафар" фермер хўжалигига шартнома асосида 7,2 млн. сўмлик минерал ўғитни етказиб бермасдан, аксинча, гўё 12 тонна минерал ўғит ҳамда иккита моторли қўл аппаратини фермер хўжалигига берилганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тузиб, чиқим қилишган ва ўзлаштириб юборишган. Бундан ташқари, шу фермер хўжалигининг раҳбари М.Сафаров базанинг Денов ижара омбори иш юритувчиси А.Эсонов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 6,6 тонна карбамидни номаълум шахсларга сотиб юборган.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг сақланиши ҳамда талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ҳам мунтазам назорат ўрнатилган. Чунончи, Шўрчи туманидаги "Совкирон" марказий машина-трактор парки мансабдор шахслари томонидан умумий қиймати 7,3 млн. сўмлик 8 та "Т-28" русумли трактор, 4 дона тиркама, культиватор ва "ГТЗ-100-11" русумли трактор талон-торож қилиб юборилган.

Шунингдек, Бойсун туманидаги "Бойсун-Давр" ММТП бошлиғи Б. Тошбоев 1988 йилда ишлаб чиқарилган "ММЗ-45021" русумли автомашинани қонунга хилоф тарзда сотиб юборгани ҳамда бир қанча техникаларни қаровсиз қолдириб, талон-торож қилинишига сабабчи бўлгани аниқланган. Олтинсой туманидаги "Оқ олтин" ММТП раиси Н. Аюбов эса корхона балансида турган қиймати 641,5 минг сўмлик иккита ер текислаш мосламасини ўзлаштириб, талон-торож қилган.

Иш ҳақи, кредит ва бошқа маблағларнинг мақсадли сарфланиши таъминланмаганлиги оқибатида мақсадли йўналтирилган транш маблағлари бошқа соҳаларга ишлатиб юборилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларига зарар етказилган. Хусусан, АТИБ "Ипотекабанк" вилоят филиали масъул ходимлари томонидан пахта ҳосили учун ажратилган маблағлардан 88,6 млн. сўми тижорат кредитларига қонунсиз равишда сарфланган.

Вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазири ва Давлат божхона қўмитаси раисининг биргаликда минерал ўғит, нефть маҳсулотлари ва чигитни талон-торож қилиш, республика ҳудудидан четга ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан қабул қилинган қўшма топшириғи ижросини таъминлаш бўйича назорат тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. Ўтказилган тадбирларда 32 ҳолатда 1 млн. 791 минг сўмлик 14 тонна чигит ва 7 ҳолатда 16 млн. 588 минг сўмлик 42,1 тонна минерал ўғитни талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланиб, жиддий қонунбузарликлар юзасидан 24 та жиноят иши қўзғатилди, 15 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бош прокурорнинг 2004 йил 22 июндаги "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Йилнинг биринчи ярмида вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси юзасидан 178 та текшириш ўтказилиб, 1990 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Хусусан, 142 та протест, 225 та тақдимнома киритилди. Қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахслардан 682 нафари интизомий, 424 нафари маъмурий, 55 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилишлари юзасидан 36 та жиноят иши қўзғатилди. Вояга етмаганларнинг манфаатларини кўзлаб, судларга 16,6 млн. сўмлик 248 та даъво аризаси киритилди. 3,2 млн. сўмлик етказилган зарар ўрни қопланди.

Мутасадди идораларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаган болаларни аниқлаш борасидаги фаолияти устидан назорат кучайтирилиб, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Судларга 30 нафар шахсни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, 48 нафар ота-онанинг муомала лаёқатини чеклаш бўйича даъво аризалари киритилди. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш мажбуриятларини бажармаган 240 нафар ота-онага нисбатан тўпланган ҳужжатлар комиссияларга юборилди ва тегишли чоралар кўрилиши таъминланди.

Болалар ва ёшлар ўртасида турли хил спорт ва маданият тадбирларининг ўтказилишига катта эътибор берилаяпти. Жумладан, Жарқўрғон туман прокуратураси ташаббуси билан "Биз гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!" шиори остида вояга етмаганлар ўртасида спортнинг таэквандо тури бўйича очиқ турнир ўтказилди. 500 нафардан кўпроқ 1992-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ва болалар иштирокида ўтказилган турнирда ўнта вилоятдан 16 жамоа қатнашди. Жарқўрғон таэквандо клуби аъзоси, биринчи дан соҳибаси Муҳайё Нормуродова Ўзбекистон чемпиони бўлди ва келгуси йили Даниияда ўтказиладиган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Жорий йилнинг 1 июнь куни вилоят прокуратураси ўз оталиғига олган Бойсун туманидаги "Меҳрибонлик уйи"да "Ўлка тарихи" музейининг очилганлиги ҳамда жамоага саховатли ҳомийлар кўмаги билан 19,7 млн. сўмлик "Форланд" юк автомашинаси совға қилинганлиги кўнгиллари кемтик, ота-онасиз ўсаётган вояга етмаган болаларга чинакам қувонч бағишлади.

Истиқлолимизнинг 18 йиллиги байрам қилинадиган санага тобора яқинлашар эканмиз, кўнгилдан мустақиллигимиз шарофати билан туғилган фахр-ифтихор туйғулари қайта-қайта ўтаверади. Фуқароларнинг муносиб турмуш кечиришлари учун барча шарт-шароитларни яратиш мақсадини кўзлаб ўтказилаётган ҳамма жабҳалардаги ислоҳотлар боис ҳаётимизнинг бугунгидан ҳам фаровон бўлишига ишончимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

(Fragment printed between the headline and the box below, continuing in the column order of the page:)

юзасидан ўтказилган текширишда аниқланишича, Сариосиё туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А.Шомуродов ва бошқалар томонидан электр энергиясидан 4,7 млрд. сўмликдан ортиқ дебитор қарздорликни ундириш чоралари кўрилмаган, 1 млрд. сўмликдан зиёд нореал қарздорлик келиб чиқишига йўл қўйилган. Бунинг устига, нореал қарздорликни "ёпиш" учун "Қўшчинор" ва "Бўйрапўшт" маҳаллаларидаги 45 та хонадон бўйича аслида истеъмол қилинмаган электр энергияси учун 11,4 млн. сўм фуқаролар ҳисобига ёзилиб, уларга моддий зарар етказилган.

Хусусийлаштириш, акциядорлик жамиятлари ва қимматли қоғозларга доир қонунлар ижроси юзасидан учта текширув ўтказилди, қонунбузарликлар бартараф этилди. Улардан бирида, масалан, "Ўзтехпромпрогресс" ёпиқ акциядорлик жамиятининг вилоятдаги ваколатхонаси баҳоловчиси Ш.Ҳикматов томонидан "Термиз деҳқон (озиқ-овқат) бозори" масъулияти чекланган жамияти ҳисобида бўлган 53 млн. сўмлик товарлар Республика Кўчмас мулк биржаси вилоят филиали орқали Тошкент шаҳрилар ва юридик шахсларга ноқонуний равишда бериб юборишган. Хусусан, Олтинсой тумани "Якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини мувофиқлаштириш" МЧЖ раиси Ў.Боймуров "Ғиёсиддин шарбатлари" фермер хўжалиги ижарада фойдаланиб келаётган ер майдонидан 1,09 гектарини уй-жой қуриш ва шахсий хўжалик юритиш учун тўрт нафар фуқарога умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиш ҳақида туман ҳокими девонхонаси думалоқ муҳри туширилган сохта қарор ҳамда бошқа қалбаки ҳужжатлар асосида бериб юборган. Албатта, бундай қонунбузарлик жазосиз қолмаслиги тайин.

Бугунги кунда вилоятимизда кўплаб фермер хўжаликлари салмоқли ютуқлари билан иқтисодиётимиз ривожига катта ҳисса қўшаётган бир вақтда баъзи фермер хўжаликлари раҳбарлари узоқ муддатга ижарага берилган ер майдонларини фуқароларга уй-жой қуриш ва томорқа учун бериб юборишганлиги аниқланди. Жумладан, Термиз туманидаги "Нодира-Гўзал" фермер хўжалиги бошлиғи А.Раҳмонов "Учқизил" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ш.Аминова билан

## МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

**Истиқлол туфайли тадбиркорлар учун кенг имкониятлар юзага келди. Ишлайман десанг — шароит, ёрдам сўрасанг — имтиёз, маҳсулотингни сотиш учун эса дарвозаси ланг очиқ бозор бор. Барча тадбирларда қонуний иш тутсанг, ошиғинг олчи бўлгани — шу!**

Тадбиркорлик бизга аждодлардан мерос десам ҳам бўлади. Боболаримиз сандиқсоз бўлган. Ўзимиз ҳам ишни майда косибликдан бошлаганмиз. Бугун-чи?! Кимсан, мебелсозлик фабрикасига эгалик қилиб турган, хориждан сармоя киритиб, чет элникидан қолишмайдиган маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорман. Ишбилармонларга эмин-эркин фаолият юритиш учун барча шарт-шароитларни яратиб берган давлатимиздан, Президентимиз эътиборидан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Биз эса ана шу қонун берган кафолатларга яраша муносиб меҳнатимиз билан жавоб беришга интилаяпмиз.

Фахрланиб айтишим мумкинки, тадбиркор меҳнати ҳеч қайси мамлакатда биздагидек эъзозланмайди. Буларнинг бари, табиийки, истиқлол шарофатидандир. Бизнинг вазифамиз эса берилган имкониятларнинг қадрига етиб, ютуқларимизни янада кўпайтириб боришдан, озод ва обод юртимиз равнақига ўз ҳиссамизни тағин ҳам кўпроқ қўшавеашдан иборат.

*Баҳриддин МАМАТОВ,*
**Бойсун туманидаги «Жило-Файз» хусусий фирмаси раҳбари**

# ФЕРМЕРЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мустақиллик йилларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида прокуратура зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифа сифатида юкланганлиги жуда муҳим аҳамият касб этди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида кўрсатиб ўтилган "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди", деган қоиданинг амалда эканлигининг яққол ифодаси бўла олади.

Туман прокуратураси томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан назорат изчил тартибда олиб борилаяпти. Жумладан, "Муҳиддин Омонов" маҳалласида яшовчи С. Мингтўраева ва бошқалар томонидан ёзилган ариза натижаларини олиб кўрайлик. Ариза муаллифлари фуқароларга нафақа пулларини тарқатишда қонунбузилишларга йўл қўйилаётганини баён этишган.

Текшириш давомида аниқланишича, Рашид Холиқов сўнгги бир ярим йил мобайнида "Халқ банки" туман филиали 8-сонли шохобча хазиначиси лавозимида ишлаб келган. Хазиначи ўзининг моддий жавобгар шахс эканлигини билса ҳам қинғир ишларга қўл урди. У 2 ёшгача бола парвариши учун нафақа оладиган фуқаролар С. Қурбонова, Д. Бердимуродова, Г.Қорабоеваларнинг имзоларини қалбакилаштириб, жами 363860 сўм нафақа пулларини ўз манфаати йўлида ўзлаштирган. Р. Холиқовга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Тадбиркор ва ишбилармонларнинг мурожаатлари ҳам доимий назоратга олиниб, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Хусусий тадбиркор М. Умарованинг фуқаро Э. Тиллаев томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 0,13 гектар ер майдонини қайтариш ва унга етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни ундиришда амалий ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Натижада ариза қаноатлантирилиб, фуқаро М.Умаровага етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ ундириб берилди. Ўзбошимчалик билан эгалланган 0,13 га ер майдони қонуний эгасига қайтарилиб, тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланди.

Фермер хўжаликлари мамлакатимиз ривожи ва тараққиётида муҳим ўрин тутишини ҳозирги кунда ҳеч ким инкор эта олмайди, албатта. Туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг олти ойида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ижроси юзасидан фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоялаш мақсадида текширишлар ўтказилди. "Баҳриддин Ғолиб", "Санойи Макка", "Чарос Зиннура", "Қаюмов Эрали", "Худойбердиев Элдор", "Феруз" ва бошқа фермер хўжаликларига қарашли 3,28 гектар ер майдони айрим фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги аниқланди. Бу борадаги текширишлар натижалари бўйича фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига 13 та даъво аризаси киритилди. Даъво аризалари тўла қаноатлантирилиб, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Фуқароларнинг банклар томонидан кредит маблағлари ажратиш борасидаги мурожаатлари ҳам ҳар томонлама ўрганиб чиқиляпти. "Пахтакор" фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида яшовчи фуқаролар Пардахол Хўжақулова ҳамда Насиба Йўлдошеваларнинг чорвачиликни ривожлантириш учун кредит олиш ҳақидаги аризалари кўриб чиқилди. Туман прокуратураси ташаббуси билан бу фуқароларнинг ҳар бирига 1,5 млн. сўмдан чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит маблағлари олиб берилиши таъминланди.

Меҳнат самарадорлигини янада ошириш, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш ҳис-туйғуси ҳар бир юртдошимизнинг юрагидан тобора мустаҳкам жой олмоқда. Улар қонунларда белгилаб берилган асосларда тадбиркорлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдирган ҳолда ўз саъй-ҳаракатларининг амалий натижалари учун астойдил олға интилмоқдалар.

**Ш. МАВЛОНОВ,**
**Олтинсой туман прокурори**

# ҲАМҚИШЛОҒИНГ ФИРИБГАР БЎЛСА...

Баъзи одамларга борига қаноат қилиб яшаш ғоят қийин туюлади. Тўкис кун кечиришнинг осон йўлларини излай бошлашади. Шу куйи енгил ҳаёт орзусида ноқонуний иш тутиб, ножўя йўлга қадам қўйганларини ўзлари ҳам билиб-билмай қоладилар. Сабр-қаноатнинг ўрнини нафс туйғуси эгаллай бошлагач, қай йўсинда бўлмасин, мўмайгина пул топиш ҳаваси уларни тарк этмайди.

Орамизда одамлар ишончини суиистеъмол қилиб, фирибгарлик йўли билан мўмай даромад орттириш илинжида юрган кимсалар ҳам бор. Аслида фирибгарлик жиноияти ҳамма замонларда ҳам бўлган. Аммо бугунги тезкор замонамизда уларнинг сони ортиб, фаолияти кенгайиб бораётгани барчани хавотирга солмоқда.

Бу масалада миллий қонунчилигимизда ҳам кенг кўламдаги чора-тадбирлар белгиланяпти. Шулардан бири Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонунидир. Шу билан бир қаторда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори билан 2008-2010 йилларга мўлжалланган одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий режа тасдиқланди. Унда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад юқорида айтиб ўтилган халқаро ҳужжатлардан келиб чиқувчи мажбуриятларни самарали амалга оширишдан иборат. Жиноят кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишда, бу жиноятга қўл урган кимсаларни муқаррар жазога тортишда ҳамда жабрланувчиларни ҳимояга олишда муҳим аҳамиятга эга.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича қабул қилинган халқаро ва миллий қонун ҳужжатлари фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланишининг олдини олиш билан бир вақтда ушбу жиноий қилмиш жабрдийдалари ҳолатини аниқлаш ва уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни таъминлайди.

Музробот тумани, "Дуоба" маҳалласида яшовчи ота-бола Шарифжон ва Турсун Бегматовлар олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда Бекмуродов Холмурод, Файзуллаев Чингиз, Тоиров Акбар ва Бегматов Бобомуродларни 2008 йилнинг октябрь ойида ёғлиққина иш топиб бериш ваъдаси билан Россия Федерациясига ноқонуний йўллар орқали олиб ўтишган.

Шарифжон Бегматов ҳамқишлоқларини ойига 1000 АҚШ долларидан иш ҳақи, бепул озиқ-овқат ва турар жой билан таъминлаймиз, деб ишонтирган. У ўз алдови қурбонларини қурилиш ва бошқа оғир ишларда тинимсиз ишлатиб, декабрь ойининг охирларида хизмат ҳақларининг учдан бир қисмини ҳам тўлаб-тўламасдан ортга, Музработга жўнатиб юборади.

Ш. Бегматов бу жиноий ҳаракатлари билан фирибгарлик, яъни алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгаларнинг жуда кўп миқдордаги мулкини қўлга киритиб, Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг "а" бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир этган. Ҳамқишлоқлари хорижий юртда машаққатли меҳнатлари эвазига топган 9 млн. 240 минг сўм пулни ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборади. Жабрдийда йигитлар Шарифжондан пулларини қайтариб олишолмагач, ҳуқуқни муҳофаза этиш органига ариза билан мурожаат қилишади.

Жиноят қачон бўлмасин, албатта фош этилиши тайин. Содир этилган жиноятга яраша жазо тайинланиши ҳам турган гап. Судда гувоҳлик берган жабрланувчи йигитлар суднинг адолатли қарорига биноан ўз иш ҳақларини тўлиқ қайтариб олишди. Айбдор кимсалар эса қилмишларига яраша жазога тортилди.

Хулоса ўрнида айрим фуқароларга айтадиган гапимиз шуки, фирибгарларнинг ширин сўзларига, қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдирувчи катта ваъдаларига учманг. Мўмай даромад топаман деган кишига ўз юртимизда ҳам имкониятлар етарли. Гап ана шу қулайликлардан қонуний асосларда фойдалана билишдадир.

**Абдимўмин РАҲМОНОВ,**
**Музработ туман прокурори**

# ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

Хўжалигимиз ҳурриятга эришилгач, бундан 15 йил илгари барпо этилган. Биз дастлаб 76 гектар ерга қишлоқ хўжалик экинлари экиб, йилни яхши натижалар билан якунлаганмиз. Йилдан-йилга шароит яхшиланиб, ишимиз олға силжийверди.

Давраларда, тўй-томошаларда баъзан "Сиз нима учун фермер бўлдингиз, бу ният қачон ва қандай пайдо бўлган", деб сўрашади.

Ҳар сафар бундай саволга жавоб топиш учун ўйга толаман. Дунё харитасида катта ўзгаришлар, янгиликлар бўлиши табиий ҳол. Ўтган, XX аср охирида содир бўлган шундай тарихий воқеалардан бири Ўзбекистон мустақилликка эришганлигидир. Энди, айтмасам бўлмас, аждодларимизнинг асрлар оша қилиб келган орзулари амалга ошган даврларда, ҳуррият офтоби чараклаган замонда унга пешвоз чиқмасдан, жон койитиб меҳнат қилмасдан бўладими, ахир?!

Элимиз ободлиги, тўйларнинг кўпайиши, дастурхонларимизнинг тўкин-сочин бўлиши албатта, ҳалол меҳнат туфайли.

Озодлик туғини баланд кўтарган юрт фарзанди бўла туриб, қўл қовуштириб ўтириш ҳам инсофдан эмас, албатта. Эндигина тетапоя бўлаётган давлатимизга фойдамиз тегса, яна меҳнатимиз орқасидан ўзимиз ҳам манфаатдор бўлсак қандай яхши! "Меҳнат - меҳнатнинг таги роҳат", деган ҳикматли гап мустақиллигимиздан сўнг ўзининг мазмун-моҳиятига эга бўлди. Ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, 2007 йилда 159 гектар ерга чигит экилиб, ҳар гектаридан 42 центнердан хирмон бунёд этилди. 85 гектар майдонга ғалла уруғи сепилиб, натижада гектар бошига 65 центнердан сара дон ҳосили олинди. Пилла режаси ҳам ошиғи билан бажарилди. Ўтган қишлоқ хўжалик йилида эса бу кўрсаткичлар янада мустаҳкамланиб, пахтадан 531 тонна, ғалладан 693 тонна ҳосил йиғиштириб олинди.

Амалдаги йилда ҳам ишларимиз ёмон эмас. Пилла топшириш режаси анча ошириб бажарилди. Энди ғаллачиликка келсак, ғаллазорларимиздан 705 тонна ҳосил олинди.

Ҳозирда 231,8 гектар ер майдонига эгамиз. Шундан 100 гектари ғалла учун, 5 гектари боғ, 113,8 гектари эса пахта учун ажратилган.

Ҳозирда пахтанинг ривожи ёмон эмас. Бир текис гуллаб, кўсаклай бошлаган ғўза қатор ораларига олти марта ишлов берилди. Уч марта озиқлантирилиб, икки марта суғорилди.

Дунёда катта муаммога айланган ишсизлик масаласини бартараф этиш барчамизни ўйлантириши бор гап. Биз ҳам хўжалигимизда янги иш ўринлари яратиш пайида бўлаяпмиз. Хўжалигимизда 69 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бирига хизмат вазифаси белгиланиб, ойлик маошлари ўз вақтида бериб борилаяпти. Яна ғалла пишиши пайтида ҳар бир ишчига 2,5-3,5 тоннагача буғдой ажратилади.

Хайр-эҳсон қилиб, элнинг дуосини олиш ҳам халқимизнинг азалий удумларидан саналади.

Ҳар йили янги йил байрамида Бойсундаги "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланаётган болажонлар қувончига-қувонч улашамиз. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида ҳам ҳомийлик ёрдамларимизни аямаймиз. Шу йил 1 июнь куни тарбияланувчилардан 4 нафарининг суннат тўйларини ўтказиб бердик.

Президентимиз ибораси билан айтганда, савоб ишни ҳар ким ва ҳар кун қилиши керак. Тумандаги "Гулистон" маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилаларга 3 та қорамол олиб бердик. Ҳар йили маҳаллалардаги 12 нафар ногирон бола яшаётган оилаларга ғалла ажратамиз. Ота-онаси йўқ, етим талабаларнинг ўқиши учун шартнома пулларини тўлаб борамиз. Бундан ташқари тумандаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида стипендия ташкил қилганмиз. Ўқув йилининг ҳар чорагида яхши ўқиган ўқувчилар шу тариқа рағбатлантириб борилади. "Гулистон" маҳалласи ҳудудидаги 3 км. масофадаги йўллар асфальтланди. Касалхонага эса рангли телевизор, гилам-палос олиб берилди.

Мамлакатимиз мустақиллигига 18 йил тўляпти. Вояга етган йигит ёшига тенг бу даврда катта ишлар амалга оширилди. Биз ҳали ўзимиз қилаётган ишларимиздан қаноат ҳосил қилган эмасмиз. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолиги, ҳукуматимиз ғамхўрликлари биз, фермерлар учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Юртбошимиз яқинда Наманган вилоятида бўлиб, жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу ташриф чоғида фермерлик ҳаракатининг нурли истиқболи ҳақида фикр билдирди. Президентимизнинг, "фермер фаолияти фақат ғалла ёки пахта етиштириш билан чекланиб қолмаслиги керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотини ўзи қайта ишлашни йўлга қўйиши, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак", деган даъватли сўзлари бизларни янада қаттиқроқ ишлашга чорлади.

Эндиликда боғларимизни кенгайтириб, чорвачилик соҳасини ҳам ривожлантиришга ҳамма имкониятлар эшиги очиқ.

Биз, фермерлар аниқ режа асосида иш юритсак, муваффақиятларимиз кўпаяди. Истиқлол берган бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, мамлакат истиқболи, халқимиз фаровонлиги йўлида тер тўкишимиз керак.

**Исахон БАҲРОМОВ,**
**Ангор туманидаги «Саидносирхон» фермер хўжалиги бошлиги,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

# Фирибгарликнинг интиҳоси...

## ёхуд ўқишга киришдаги оғир йўқотишлар



(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Ҳаммаси қонуний расмийлаштирилган бўлса, қандай муаммо юзага келиши мумкин? "Дарсга келмади" деб ўқишдан ҳайдаб юборишса нима қиласан? Нима бўлишидан қатъи назар дарсга боравер, — деди Муқаддас опа асабийлашиб.

Маржона онасининг гапларини Фарҳодга айтди.

— Майли ўзингиз биласиз, агар бирор муаммо юзага келса огоҳлантирмадинг, деб мендан ўпкалаб юрманг. Ўзи бугуннинг ўзидаёқ қўшимча гуруҳдаги тўртта талабани сафдан ўчириш ҳақида буйруқ беришмоқчи бўлиб туришибди. Ваҳоланки, уларнинг баллари сизникидан анча юқори эди. Сизнинг ишингизни деканнинг ўзи ҳал қилгани учунгина ёрдам бераётган эдилар. Норози бўлсангиз сизга боринг ёки борманг деб йўлингизни тўсиб туролмайман, — деб Фарҳод қилмишини яшириш учун яна ёлғон тўқий кетди.

— Яхшиси дарс вақти тугагунича бирор таҳририятда бўлиб турганингиз маъқул.

— Майли, ишқилиб яхшиликка бўлсин-да, — деди Маржонаноиложликдан тақдирга тан бериб.

Шу тариқа орадан икки ой вақт ўтди. Маржона аввалига Фарҳод айтгандек таҳририятларга бориб вақтини ўтказа бошлади, лекин бу ҳам жонига тегиб, кун бўйи уйида ўтирадиган бўлди. Аммо бу узоқ давом этмади. Ниҳоят Маржона Фарҳод билан очиқчасига гаплашишга қарор қилди.

— Қачонгача уйдагиларни "дарсга бораяпман" деб алдайман? Ўқишга киролмаган бўлсам ростини айтинг, пулларни қайтариб беринг! Бечора Раҳим акам ҳалиям ўша қарзларни узиш билан оворалар. Бошқа уларни алдашни истамайман, — деди жаҳл билан.

— Ҳа... Маржона, чиндан ҳам ўқишга кира олмагансиз, буни ўзим ҳам яқинда билдим. Декан мени алдади, пуллар ҳам унда. Сўрагандим, жим юрмасам мени ўқишдан ҳайдаб юборишини, пулни эса ишлатиб юборганини, қачон топса шунда қайтаришини айтди.

— Нима? Ахир, талабалик гувоҳномаси-чи?

— Уни ҳам менга декан берган.

— Энди нима қиламан? Уйдагиларга, Раҳим акамга нима дейман? Икки минг доллар озгина пул эмас-ку!

— Озгина сабр қилиб туринг, бирор иложини қилармиз, жуда бўлмаса ўзим бирор ердан топиб бераман. Яна бир йўли бор... у ҳам бўлса мен айтган шартга рози бўлсангиз эртанинг ўзидаёқ ўша пулларни қўлингизга тутқазаман, — деди Фарҳод.

— Қандай шарт экан? — деди Маржона ҳайрон бўлиб.

— Сиз учун қийин эмас... Маржона мен сизни биринчи ижодий имтиҳонда кўрган кунимоқ ёқтириб қолган эдим. Сиз менга ўшанда ҳам эътибор бермаган эдингиз, турмушга чиққанингизни билганимдан сўнг эса... Хуллас, умидимни узмадим. Фақат севганим учунгина шу ишларга қўл урдим. Сизни жудаям севаман, эрингиз билан ажрашиб менга турмушга чиқинг, сизни бахтли қиламан, фарзандларингизга ҳам оталик...

Фарҳод охирги сўзларини айтишга улгурмади, юзига урилган шапалоқдан мувозанатини йўқотиб, йиқилай деди.

— Ифлос экансан!!!

Сен жирканч хаёлларингга берилиб юрган кезларинг эрим бечора ўқиш учун олинган қарзни узаман, деб кунни тунга улаб, дам олиш нималигини билмай юрсаю, оҳ-воҳимни айтсам, эридан воз кечиб кетади, деб ўйлаганмидинг?

— Демак, мен иблис, ифлос ва аблаҳман-а, шунақами? Жуда соз, у ҳолда пулларингни тушингда кўрасан, уларни менга берганлигинг ҳақида исботловчи ҳеч қандай асосинг йўқ! "Хотинимни ўқишга киритдим", деб хомхаёлларга берилиб, кеча-кундуз тиним билмай ишлаётган ўша эринг, аслида уни алдаб, пулларни қаёққадир йўқ қилиб юборганингни билганидан сўнг нима қиларкин, шунисига қизиқаяпман?

Маржона уйига қай аҳволда етиб келганини билмади. "Нималар қилиб қўйдим, энди нима бўлади, Раҳим акамга нима деб тушунтираман? Нимага шу гапни аввал айтмагандинг, десалар нима дейман? Боз устига анови аблаҳдан мендан пул олганлиги ҳақида ҳеч қандай тилхат ёздириб олмаган бўлсам, у ўзини оқлаш учун ҳар қандай туҳматни ёғдиришга тайёр..." Шундай ўй-хаёллар билан Раҳимнинг ишдан келганини ҳам сезмай қолди.

— Нима гап, тинчликми, кўринишинг бошқачароқ? — деди Раҳим хотинига.

— Бошим оғрияпти, — деди Маржона нима дейишини билмай.

— Ётиб дамингни олақол, овқатимни ўзим сузиб еявераман, — Раҳим шундай деб ошхонага ўтиб кетди. Маржона ўз ёғига ўзи қоврилиб, кечки овқат тайёрламаганини эслади.

— Овқат қилишга улгурмадим, — деди ниҳоят эрининг ортидан ошхонага кириб.

— Майли, ҳечқиси йўқ, ҳозир бирор кафега чиқиб ўзингга ёқадиган бирор таомни буюртма қиламиз.

— Раҳим ака, ўзингиз чиқиб келаверинг, айтдим-ку бошим оғрияпти деб, — деди Маржона қизарган кўзларини яширишга ҳаракат қилиб.

Раҳим кўчага чиқиб кетди. Унинг ортидан қараб қолган Маржона "Нимага овқат тайёрламадинг, деб уришишниям билмайди бу одам..." дея ҳўнграб йиғлаб юборди.

Маржона аро йўлда қолди, дардини кимга айтишини, пулларини Фарҳоддан қай йўл билан қайтариб олишни билмай боши қотган эди. Ўйлай-ўйлай, ниҳоят, ўзидан чамаси ўн ёшлар катта бўлган Лайло исмли дугонасига дардини айтди. Лайло хусусий нашрлардан бирида муҳаррир эди. Маржона Фарҳоднинг шеърларини Лайло ишлайдиган газетада чоп эттириб берган, Фарҳод ҳам бир неча маротаба нашриётга келган, шу боис улар бир-бирларини яхши танишарди. Аввалига Лайло Фарҳод ҳақидаги гапларга унчалик ишонмади, лекин шу вақт Фарҳод Маржонанинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб қолди ва Маржона дугонаси ҳам эшитиши учун телефоннинг овоз кучайтиргичини ёқиб, Фарҳод билан гаплаша бошлади. Маржона гапни қисқа қилиб, пулни қайтаришни талаб қилганида Фаҳод бунинг учун анча меҳнат қилишингга тўғри келади, дея пўписа қила бошлади.

Бўлиб ўтган гапларни эшитган Лайло нима дейишини билмай, ҳангу манг бўлиб қолди. Энг тўғри йўл гапни эрингга ётиғи билан айтиш деган хулосага келди, холос. Уйига келган Маржона Фарҳодга қўнғироқ қилиб, эртасига келишилган жойда учрашишга келишишди.

— Илтимос, Фарҳод бу бемаъни ишингни йиғиштир, пулларимни қайтариб бер-да, мени тинч қўй, — деди кўзига ёш олиб Маржона. Унинг йиғлаб илтижо билан боқиши бу — Фарҳоднинг илк ғалабаси эди. Шу тобда Маржона пулини қайтариб олиши учун ҳатто жонидан кечишга ҳам тайёр эди. Фарҳод эса бу вазиятни қўлдан чиқазиб юборадиган аҳмоқлардан эмасди. Чунки улардан бироз нарида — йўлнинг нариги бетида Фарҳоднинг опаси Дилора уларни кузатиб турар, унинг ёнида эса Маржонани ер билан битта қилиб, ўзини оқлаб олиш Фарҳоднинг режаларидан бири эди. Барибир уларнинг гапларини опаси эшитмайди...

— Пулларингни ҳозирнинг ўзидаёқ олиб келиб бераман, фақат мени яқинларим олдида шарманда қилмоқчи бўлганинг учун опамнинг ёнига бориб, "мен Фарҳодга туҳмат қилган эдим" деб кечирим сўрайсан, — деди.

— Мен бундай деёлмайман, — деди Маржона ёш тўла кўзларини ердан узмай.

— Опамни сен қайта кўрармидинг, айтсанг нима бўпти? Эвазига эса пулларингни қайтариб олиб суюкли эрчангга тутқазасан. Яхшилаб ўйлаб кўр, опам кетганидан сўнг кеч бўлади, — деди Фарҳод.

— Розиман! — Маржона бу сўз оғзидан қандай чиқиб кетганини билмади. У машиналарнинг ҳаракатларига эътиборсиз Дилора турган томонга ўтди.

— Мени кечиринг...

— Нима демоқчисан, тушунтириброқ айт! — деди Дилора.

— Укангизга туҳмат қилгандим, демоқчи, ахир ўзингиз кўрдингизку, ҳозиргина тиз чўкиб мендан кечирим сўраб турганини, — Фарҳод Маржонанинг ўрнига жавоб берди.

— Бу гапларини унинг ўзидан эшитмоқчиман...

Дилоранинг сўзларини ғийқиллаган овоз бўлди. Машиналар тинимсиз ҳаракатланаётган йўлнинг қатнов қисмида Бону йиғлаганча онаси томонга талпиниб келаётган эди. Яратганнинг марҳамати билан қизча омон қолди. Маржона шундагина бироз эс-ҳушини йиғиштириб олиб, қизчаси томон югуриб кетди. Вазиятдан фойдаланган Фарҳод эса опасини олиб кетди. Бироздан сўнг Фарҳод Маржонага қўнғироқ қилиб, айтилган жойда уни кутиб туришини, бироздан сўнг пулларини олиб келиб беришини айтди.

Маржона Фарҳодни қош қорайгунча кутди, бироқ ундан дарак бўлмади...

Пуллардан умидини узган Маржона Фарҳод билан танишган кунларини тинмай лаънатлар, Яратгандан унинг жазосини беришини сўраб илтижо қиларди...

Кунларнинг бирида Маржонанинг қўл телефони жиринглади, унда Фарҳоднинг рақами кўринди. Суҳбатни узоқ ҳол-аҳвол сўрашдан бошлаган йигит, ниҳоят муддаога ўтди.

— Илтимос Маржона мени кечир, сени жуда кўп ранжитдим, айбларимни тан оламан. Очиғи, ўшанда пулларинг менда эмасди, бир бизнес учун тиккан эдим. Куни кеча менга Бухородан қўнғироқ қилиб, ўз улушимни олиб кетишимни айтишди. Шунинг учун самолётда боришга тўғри келади, акс ҳолда шерикларим улушимни талон-тарож қилиб ташлашади. Иложи бўлса бироз пул бериб турсанг, қасам ичиб айтаман, ўша пулларга қўшиб қайтараман, - деди.

Маржона нима қилишини билмай қолди. Буёғи ҳужжатлар қабули ҳам аллақачон бошланиб кетган, эҳтимол ўша пул билан бу йил ўқишга кириб кетар...

— Қанча керак бўлади?

— Беш юз минг сўм...

— Ахир менда бунча пул йўқку!

— Тиллаларинг бор-ку, ўшани залогга қўйиб турайлик, вақт жуда оз, пулдан айрилиб қолмайлик, деб қўрқаяпман, — деди Фарҳод Маржонанинг кўнглига ҳам умид, ҳам хавотир солиб.

— Майли, — деди Маржона орадаги бироз жимликдан сўнг. — Тушлик вақти Лайло опанинг ишхонасига келақол...

Келишилган вақтда Фарҳод келди. Маржона эса бу сафар ёнига гувоҳ қилиб Лайлони ҳам олди. У Фарҳодга иккита никоҳ узуги ва битта зирагини берди. Фарҳод бир ҳафта ичида тақинчоқларни пулларга қўшиб қайтаришини айтиб, улар билан хайрлашди...

Орадан бир нечта ҳафта ўтди, аммо... Ҳужжат топшириш вақти тугашига жуда оз қолган кунларнинг бирида Фарҳод қўнғироқ қилиб қолди:

— Сен ўқишга ҳужжатларингни топширавер, ўтган йили сен берган икки мингингга яна бир ярим минг доллар қўшиб, керакли одамларга бериб қўйдим.

— Менга пулни қайтарганинг яхшироқ эди... — деди Маржона унинг гапларига ишонқирамай.

Лекин Фарҳод бу сафар ҳам Маржонани ишонтириб, охирги марта қатъий ваъда берди.

Фарҳод имтиҳон куни етиб келди, бироқ тилла тақинчоқлардан дарак йўқ эди. Бу орада интиқиб кутилган мандат ҳам келди, афсуски бу сафар ҳам Фарҳоднинг "акахон"лари иш бермади.

— Агар пул ва тақинчоқларни қайтармасанг, қилган ишларинг ҳақида милицияга хабар бераман. Буёғига нима бўлса пешонамдан, — деди Маржона тутоқиб.

— Хўп, қизлар, бақирманглар, — Фарҳод уяли телефонидан кимгадир қўнғириқ қилди ва нотаниш одамга "ўша билган жойингдан икки мингини олиб Юнусобод 18- даҳага олиб кел, фақат тезроқ", — деб буюрди. Аммо у одам негадир телефонини ўчириб қўйди... Фарҳод ваъда беришдан нарига ўтмагач, Лайло Маржонанинг олдида икки йўл борлигини, бири ИИБга, иккинчиси барча гапларни эрига айтиш эканлигини айтди. Маржона узоқ ўйланиб туриб, қўлида далил-исботи йўқлиги, бунинг устига шунча вақт ўтиб кетганлигини айтиб, йиғлаб юборди. Лекин Лайло мана мен гувоҳман деб ишонтирди.

Ноябрь ойида Раҳим меҳнат таътили олиб, Ғиждувонга кетди. Маржона ички ишлар идораларига хабар беришдан аввал, Фарҳод ўқийдиган факультетнинг декани билан маслаҳат қилишни жоиз деб билиб, Садоқат опа билан учрашди. У эса, бир неча кун аввал Фарҳод саломатлиги ёмонлиги туфайли ўқишдан "академ" таътил олиб кетганлигини, опаси Дилора эса ҳозир Тошкентдалигини, қўнғироқ қилиб уни чақиришини айтди.

Бироздан сўнг Дилора етиб келди, у аввалига Маржона айтган гапларни рад қилиб турди, бироқ аҳвол оғирлигини тушунгач, бугуноқ Россияга ишлашга кетган дадасига қўнғироқ қилиб, шароитни тушунтиришини, узоғи билан уч кунда муаммони ҳал қилиб, қўнғироқ қилишини, фақат ҳеч қаерга хабар қилмаслигини илтимос қилди.

Раҳимнинг кутилмаганда уйга қайтаётганини эшитган Маржона ҳайрон қолди. Қайнонаси ва эри тушкун кайфиятда эшикдан кириб келганида эса ҳаммаси маълум бўлди.

Дилора дадасига юзага келган муаммо ҳақида айтган, у эса зудлик билан Тошкентга етиб келиб, ўғли билан гаплашган, табиийки Фарҳод ҳеч нарсани тан олмаган. Шундан сўнг ўғлидан Раҳимнинг ишхонаси манзилини олиб, унинг бошлиғига Раҳим хотини билан биргаликда Фарҳодга туҳмат қилиб, ҳоли жонига қўймаётганини айтганди.

Маржона бир ярим йил давомида бўлиб ўтган воқеаларни Раҳимга айтиб берди. Эрталаб ака-укалари билан учрашиб қайтган Раҳим Маржонага бўлиб ўтган иш юзасидан маслаҳатлашиб, атрофдагиларнинг кўзи учун ажрашиш кераклигини, шундагина улар оила аъзоларимизни ва мени тинч қўйишади, деди. Маржонанинг эрининг шартига кўнишдан бошқа иложи ҳам йўқ эди. Улар "келиша олмаётганликлари боис" маҳалла идорасига ажралиш ҳақидаги аризани ташлаб келишди. Фарҳоднинг оила аъзолари эса вазиятдан қуруқ чиқиш учун барча имкониятларини ишга солишди. Оқибатда Маржонанинг оиласи чиндан ҳам бузилиб, ажрашиш масаласи судга берилди.

Маржона учун бир фирибгарни деб катта қарзга ботгани етмаганидек, оиласининг чилпарчин бўлиши, бўлиб ўтган гап-сўзлар уни батамом адойи тамом қилди. Бироқ, у энди ортга чекинмасдан туман ИИБга ариза билан мурожаат этди. Дастлабки терговда Фарҳод унга қўйилаётган айбни тан олмади. Аммо ўтказилган экспертиза хулосаси, Маржонанинг номига берилган талабалик гувоҳномасидаги муҳрдан ташқари барча ёзувлар қалбакилиги ва улар Фарҳод томонидан киритилганлиги тўла исботланди. Жиноят кодексининг фирибгарлик, кўп миқдорда пора олиш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш каби қатор моддалари билан айбланиб, иш судда кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз қонунларининг инсонпарварлик тамойиллари, халқимизнинг бағрикенглик ва кечиримлилик қадриятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 август куни "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Фарҳод жазони ўташдан озод этилиб, унга нисбатан юритилган жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.

**М.МАДАМИНОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича**
**Учтепа туман суди судьяси**

## "Respublika Mulk-Auksioni" ДК очиқ АУКЦИОН савдоларига таклиф этади

**2009 йил 3 сентябрь соат 15.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, АПО "Узметкомбинат" ҳудудида жойлашган 73812-сонли ҳарбий қисмга қарашли 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 МХ 52-14, кузов рақами 0489412, двигатель рақами 45448-87, ранги хаки бўлган "ГАЗ-66" (кунг) русумли таъмирталаб автотранспорт воситаси қўйилади.**

***Бошланғич баҳоси 3 423 000 сўм.***

**Аукцион савдоси** Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уйда (ДМҚ биноси 1-қавати чап қанотидаги савдолар зали) бўлиб ўтади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун** "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДКнинг ХОАТБ "InfinBANK" МФО-01041, СТИР- 206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин (3 сентябрь соат 12.00да) тўхтатилади.

Ушбу кундаги аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса объектнинг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 17, 30 сентябрь, 15 октябрь кунлари соат 15:00 да ўтказилади. Бунда хужжатларни қабул қилиш 17, 30 сентябрь, 15 октябрь кунлари соат 12.00да тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:** 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали.

**Телефон:** 239-83-82; **Факс:** 150-34-46.

**Эл.манзил:** info@mulk.uz; www.mulk.uz.

## "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Фарғона вилоят филиали очиқ АУКЦИОН савдоларига таклиф этади

**2009 йил 29 август соат 10.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:**

I. Фарғона вилояти, Бағдод тумани "Бағдоддонмаҳсулот" ОАЖга қарашли "Ором" дам олиш масканида жойлашган:

1. Мевали боғнинг 1 га тенг қисми. ***Бошланғич баҳоси 1 296 000 сўм.***
2. Мевали боғнинг 2,1 га тенг қисми. ***Бошланғич баҳоси 2 070 000 сўм.***

II. Фарғона вилояти, Риштон шаҳрида жойлашган Риштон тумани тиббиёт бирлашмаси балансидаги автотранспорт воситалари:

1. 1990 йилда и/ч **"ВАЗ-2121"**, давлат рақами 15 AD 374, техник носоз.
***Бошланғич баҳоси 1 758 800 сўм.***
2. 1989 йилда и/ч **"ВАЗ-2121"**, давлат рақами 15 AD 435, техник носоз.
***Бошланғич баҳоси 1 758 800 сўм.***
3. 1989 йилда и/ч **"УАЗ-315101"**, давлат рақами 15 AD 426, техник носоз.
***Бошланғич баҳоси 1 895 269 сўм.***
4. 1991 йилда и/ч **"УАЗ-3152"**, давлат рақами 15 AD 433, техник носоз.
***Бошланғич баҳоси 1 895 269 сўм.***
5. 1990 йилда и/ч **"Москвич-21412"**, давлат рақами 15 AD 350, техник носоз.
***Бошланғич баҳоси 1 750 000 сўм.***

**Аукцион савдолари** Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43 уйда жойлашган Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биносининг 1-қават 48-хонасида бўлиб ўтади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган мулкнинг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 8, 15, 22 сентябрь кунлари соат 10.00 да ўтказилади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун** "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Фарғона вилоят филиалининг "Халқ банки" Фарғона вилоят амалиёт бўлимидаги МФО:00497, ИНН:206761326, 20210000004537599011 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:** 150100, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43 уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси, 1-қават 48-50 хона, **Тел/факс:** (8373) 229-70-20 **Эл.манзил:** info@mulk.uz

**Аукцион савдосида қатнашишни истаган шахслар қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт:**

Белгиланган шаклдаги талабнома. Закалат тўғрисида келишув. Юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда. Жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда. Закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати асл нусхаси.

Савдо ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули, сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этса етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаши шарт.

# Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

**Давлат мулки қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси Сизларни «Фарғона техник таъминлаш ва бутлаш» шўъба корхонасининг Чортоқ туман бўлинмаси мулклар мажмуасини сотиб олиш юзасидан музокаралар олиб боришга таклиф этади**

**Сотувчининг номи ва почта манзили, унинг алоқа қилинадиган телефонлари ва телефакси рақамлари:**

Давлат мулки қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси, 161100, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, тел: 8(3692)-26-44-39, 8(3692)-26-29-96.

**Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва давлат активи жойлашган жой:**

Наманган вилояти Чортоқ шаҳри А.Навоий кўчасида жойлашган, "Фарғона техник таъминлаш ва бутлаш" шўъба корхонасининг Чортоқ туман бўлинмаси мулклар мажмуаси.

**Баланс сақловчининг номи ва манзили:** "Фарғона техник таъминлаш ва бутлаш" шўъба корхонаси, 713421, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Қўқонбой қишлоғи, Қақир бекати.

**Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи:**

музокаралар (оммавий оферта) Давлат мулки қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси (Манзил: Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй)да 25.08.2009 йил соат 10.00

**Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари:**

— объектнинг қиймати **828 164 956** *(саккиз юз йигирма саккиз миллион бир юз олтмиш тўрт минг тўққиз юз эллик олти)* сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— 2 йил давомида амалдаги қонунчилик билан таъқиқланмаган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга **50 000 000** *(эллик миллион)* сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

**Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти:** 24.08.2009 йил соат 17.00.

**Музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:**

— **Юридик шахслар учун** — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган нусхаси илова қилинган ишончнома;

— **Жисмоний шахслар учун** — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

**Икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:**

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

## Корхона ва объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича Наманган вилояти ҳудудий танлов комиссияси танлов эълон қилади

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!**

Корхона ва объектларни инвестиция мажбурияти эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов савдолари ўтказувчи вилоят ҳудудий комиссиясининг 2009 йил 9 июндаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407, 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорларига мувофиқ жойлаштирилмаган давлат активлари аниқ инвестиция лойиҳалари ва янги инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шарти билан бепул берилиши лозим бўлган корхоналарни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Танловга киритилган корхоналарнинг жойлаштирилмаган давлат активларига

## ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

| № | Корхона ва объектларнинг номлари | Жойлашган манзили | Хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активи % | Фаолият тури (фаолият турини сақлаган ҳолда ёки фаолият турини сақламаган ҳолда) | Минимал инвестиция муддати (млн.сўм) | Инвестиция мажбуриятларини бажариш муддати (йил) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | "Тўқувчи" масъулияти чекланган жамияти | Косонсой тумани | 59,1 | Фаолият турини сақлаган ҳолда | 30.0 | 1 |
| 2. | "146 ХМКК" | Мингбулоқ тумани | 100,0 | Фаолият турини сақламаган ҳолда | 200 | 1 |
| 3. | "Оқтош тайёрлаш бутлаш корхонаси" | Тўрақўрғон тумани | 100,0 | Тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | 100 | 1 |

**Танлов ўтказиш муддати:**

2009 йил 14 август, 28 август, 11 сентябрь соат 14:00.

**Танлов ўтказиш жойи:**

Наманган вилояти давлат мулкини бошқариш бошқармаси

Танловда барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (хорижий сармоядорлар) қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун инвесторлар эълон қилинган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин ҳудудий комиссияда кўриб чиқиш учун мухрлаб қўйилган конвертда танлов шартларига мувофиқ ўз таклифларини қуйидагича тақдим этишлари лозим.

**Юридик шахслар учун:**

— рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, нотариал идораси томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари;

— ўтган йилги ва ҳисобот йилига (охирги ҳисобот даврига) аудиторлик хулосаси;

— Республика ва бошқа давлатларда амалга оширган ишлари тажрибаси тўғрисида маълумот;

— Молиявий таклиф;

— Техник таклиф.

**Жисмоний шахслар учун:**

— Доимий яшаш жойи кўрсатилган ҳолда паспорт нусхаси;

— Банкдаги ҳисоб рақамида маблағи борлиги ёки банк томонидан кредит ажратиши мумкинлиги тўғрисидаги банкнинг кафолати хати;

— Сотилаётган корхона ёки объектдаги ишни амалга ошириш бўйича иш тажрибаси тўғрисидаги маълумот;

— Молиявий таклиф;

— Техник таклиф;

Танлов таклифлари инвестицион дастурнинг белгиланган муддатларда бажарилиши, корхонанинг молиявий иқтисодий аҳволини соғломлаштириш ва фаолиятини тиклашга қаратилган бизнес режани ўз ичига олиши лозим.

**Танловда иштирок этишни истаган жисмоний ва юридик шахслар ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органи — Давлат мулки қўмитасининг Наманган вилоят бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.**

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар бўйича Наманган вилояти давлат мулкини бошқариш бошқармасига қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

***(8369) 226-31-70, 226-44-39.***

# ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

## ёки муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ жиноятлар хусусида

Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, бу борадаги қонунбузилишларнинг олдини олиш, "хуфёна" иқтисодиёт, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига барҳам бериш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, нақд пул тушумини таъминлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан, ҳамон турли жанрдаги кинофильмлар, концертлар ёзилган дискларни ноқонуний импорт қилиш, нусха кўчириб, уларни шаҳримиздаги турли аҳоли гавжум бўлган жойларда, савдо нуқталарида, бозорларда, рухсат этилмаган бошқа жойларда сотиш ҳолатлари учрамоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 19 июнь куни Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ўтказилган тадбирда тадбиркор С.Содиқов дўкон сотувчиси билан ўзаро тил бириктириб, муаллифлик ҳуқуқини бузиб, ҳужжатсиз 23,5 минг дона, умумий баҳоси 35,3 млн. сўмлик аудио ва видео дискларни ноқонуний сотиш мақсадида сақлаётганлиги аниқланди.



Шу куни ўтказилган яна бир тадбирда хусусий тадбиркор Акбар Шомаҳмудходжаев ва дўкон сотувчиси Жамолиддин Эрмуҳамедовлар ҳужжатсиз, турли жанрдаги кинофильмлар, мусиқа асарлари ёзилган 13 минг дона 26,4 млн. сўмлик "ДВД" ва "СД" дискларни ноқонуний сотиш мақсадида сақлаётганлиги аниқланди.



Республикамизда лазер дискларини ноқонуний сотиш, кўпайтириш, тарқатиш ва ижарага бериш билан шуғулланаётган фуқароларни фош этиш ҳамда ноқонуний фаолиятга чек қўйиш бўйича Департаментнинг Олмалиқ шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган яна бир тадбирда фуқаро Б. Эсонов давлат рўйхатидан ўтмасдан савдо дўкони очиб, ноқонуний равишда махсус рухсатномасиз тегишли ҳужжатлари бўлмаган жами 1,5 млн. сўмлик 1235 дона турли фильмлар, мусиқалар ва порнографик мазмундаги фильмлар ёзилган "DVD", "VCD" дисклари билан савдо қилаётганлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинди.

"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмасдан асарлар, жумладан, кино видеофильмлар, клиплар, фонограммаларни сотиш, ижарага бериш, ўрнатиш, алмаштириш, совға қилиш ва бошқа ҳолатлар қонунбузилиш ҳисобланади. Ана шундай норматив қонун-қоидаларни тегишли ҳужжатларни менсимай, муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда даромад олишни кўзлаб фаолият юритаётган шахслардан яна бири Хоразм вилоятининг Шовот туманида яшовчи Б.Каримовдир. У муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамасдан, махсус рухсатномасиз чет элда ишлаб чиқарилган фильмлар ва концерт дастурларидан нусха кўпайтириш ва сотиш билан шуғулланган. Тадбир давомида ундан ҳам компьютер жиҳозлари ва турли жанрдаги фильмлар ёзилган дисклар далилий ашё сифатида олинди. Суд томонидан эса 3 йил муддатга тадбиркорлик билан шуғулланишдан маҳрум қилинди.

Ургут шаҳар "Рисола" бозори ҳудудида фуқаро Б. Жунайдуллаев ҳам муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамасдан, такроран ҳеч қандай ҳужжатсиз турли хилдаги 994 дона 1 млн. 90 минг сўмлик "DVD" ва "CD" дисклари савдоси билан қонунга хилоф равишда шуғулланаётган вақтида Департаментнинг Ургут туман бўлими ходимлари томонидан ушланган.

Ангрен шаҳрида В. Фролов ва В. Фроловалар ўзаро жиноий тил бириктириб, махсус рухсатномасиз Ангрен шаҳар "Деҳқон бозори" ҳудудида тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 1 млн. 400 минг сўмлик аудио ва видео дискларни харидорга сотиб, савдо қоидаларини бузганлиги аниқланди. Суд томонидан ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли жазо чоралари белгиланди.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан мусодара қилинган кино-видео маҳсулотларидан бирортасининг тегишли ҳужжатлари мавжуд эмас. Боз устига уларнинг сифати ҳам кафолатланмаган. Бироқ, истеъмолчилар фонограмма маҳсулотларини сотиб олишаётганида унинг сохта ёки ҳақиқий эканлигига ҳар доим ҳам эътибор беришавермайди. Бу ҳолатлар албатта, мусиқий асарми ёки кино бўладими, уларни кўп нусхада кўчиришиб, сотаётган кимсаларга жуда ҳам қўл келади.

Аммо, энг муҳими, белгиланган рўйхатдан ўтган тадбиркор ҳар бир маҳсулотининг савдосидан тушган маблағидан давлатга солиқ тўлаётганлиги-ю, қалбакилик билан шуғулланганлар эса сотаётган маҳсулотидан ҳеч қандай солиқ тўламай, фақатгина ўзлари мўмай даромад олишаётганлигида.

Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони эса ушбу кинофильмларнинг республикамизда сотилиши, кўпайтирилиши, тарқатилиши тақиқланганлиги, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга тўғри келмаслиги, одоб-ахлоқ меъёрларига зидлиги ёки ёшлар онгига, ахлоқига салбий таъсир кўрсатишидадир.

Яна бир муаммоли ҳолат, яъни қонуний фаолият олиб бораётган тадбиркорнинг лицензияланган маҳсулотни яратиш машаққатидир. Чунки, лицензияланган маҳсулотлар тайёр ҳолатга келгунга қадар бир неча босқичдан ўтади. Дастлаб, ижрочи ёки муаллиф билан шартнома тузиб, ундан асарни кўпайтириш ва сотиш ҳуқуқи олинади. Шартномада сотилган маҳсулотдан тушадиган даромаднинг маълум фоизи ҳуқуқ эгаларига берилиши кўрсатилади. Ана шу тартиб-қоида билан хонанданинг концерти тасвирга туширилади. Бу ишни амалга ошириш учун эса ўртада бир неча ой, қанча меҳнат, яна уларга кетадиган сарф-харажатлардан сўнг маҳсулот яратилади. Энди студия сарфлаган харажатини қоплаш учун маҳсулотни аҳоли ўртасида тарғиб қилади. Бироқ, текинига ўрганган қаллоблар эса улардан тайёр маҳсулотнинг бир донасини сотиб олишади-ю, ўғринча тарзда ундан минг-минг нусха кўчириб, миллион-миллион сўмлик даромад олишади. Ташвишланарлиси, ҳали ишлаб чиқарувчининг маҳсулотлари сотилмай туриб, ҳақиқий маҳсулотнинг "нусхалари" бутун республикага тарқалиб кетади.

Арзон нархларда чиқарилган маҳсулотлар эса харидорни албатта, бефарқ қолдирмайди. Муаммо ҳам худди мана шу - даромадни меҳнат қилган ишлаб чиқарувчи эмас, сохтафурушларнинг олишаётганлигидир. Улар нафақат қалбаки, балки сифатсиз маҳсулот билан истеъмолчиларни алдашмоқда, балки нопок хатти-ҳаракатлари билан қонуний ишлаётган корхоналар фаолиятига халақит берибгина қолмай, уларни банкротга учрашига сабабчи бўлмоқда. Ана шундай ўзларининг хуфёна ҳаракатлари билан ҳақиқий ишбилармонларнинг фаолиятини банкротга учратаётган кимсаларга нисбатан бугун ҳукуматимиз томонидан кескин назорат чоралари кўрилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти органлари томонидан 50 га яқин бу кўринишдаги қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 500 млн. сўмга яқин бўлган турли видео ва аудио асарлар мусодара қилинди ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Амалга оширилаётган тадбирларга қарамай, ҳамон санъат асарларини ноқонуний йўл билан республикамизга олиб кириш, нусха кўчириб сотиш ҳолатлари учрамоқда. Хусусан, бошқа ҳуқуқ-тартиботи орган ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир натижасида М.Мирвалиев, Г. Абутова, Т. Исмоилловлар гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, тегишли тартибда тадбиркорлик билан шуғулланиш ўрнига дўконда кирим ҳужжатлари ва сифат сертификатларига эга бўлмаган 10.990 дона 13,6 млн. сўмдан зиёд "DVD", "CD" дискларга нусха кўчирилган турли жанрдаги кинофильмлар, мусиқа асарларини сақлаб, уларни аҳоли гавжум бўлган жойда сотуви билан шуғулланиб келганлиги маълум бўлди.

Амалдаги қонунчиликка асосан, юридик ва жисмоний шахслар санъат асаридан фақат ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномага асосан фойдаланишлари мумкин. Албатта, бунда маҳсулотнинг хорижий давлатдан олиб кирилганлигини тасдиқловчи, яъни божхона чегарасидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши шарт. Санъат асарларидан ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмасдан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунига зид ҳисобланади. Ана шу норматив қонун-қоидаларни, муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда текин даромад олишни кўзлаб санъат асарларини кўпайтириб, ноқонуний савдо билан шуғулланаётганлар фаолиятига барҳам бериш борасида Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги, департамент, солиқ ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда ноқонунийлиги аниқланиб, суд қарорига асосан мусодара этилган 75 минг донадан зиёд "CD", "DVD", "VCD" дисклари ҳамда видеокассеталари жамоатчилик иштирокида йўқ қилинди.

Тадбиркорликнинг бир томони таваккалчилик. Бироқ, бу таваккалчилик қинғир йўлга олиб кирмаслиги керак. Республикамизда тегишли қонун-қоидаларни менсимай муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда санъат асарлари савдоси билан шуғулланаётган кимсаларнинг фаолиятига барҳам бериш борасида кескин чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин шу ўринда яна бир гап. Санъат асарлари тайёр бўлиб, хонадонимизга, томошабин қалбига кириб боргунга қадар ижодкорлар қанча заҳмат чекиши кўпчиликка яхши маълум. Лекин уни ноқонуний тарқатувчилар энди олиб борилаётган кучли назоратдан кейин давлат билан, муаллифлар ва ҳуқуқ-тартиботи органлари билан ҳисоблашиб ишлашга мажбур бўлишади, деган умиддамиз. Бу мажбурият эса уларни аста-секин қонунларни ҳурмат қилишга ва бозорларимизда ҳақиқий тадбиркор сифатида ўз ўрнини топишига ёрдам берса ажаб эмас.

**Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА**

### *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Андижон вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Мамажоновга падари бузруквори

**ОДИЛЖОН отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Huquq yuridik gazeta
Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi
Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK
Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz
Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.
Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617
Buyurtma j-7835. 16 198 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: O'.DEHQONOV
Navbatchi: O.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda
Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 23.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9